

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



жисмлари ҳаракатларидан нисбий олинган экан, уларнинг ўрни ва орбитал ҳаракатлари, яъни даври ҳам нисбийликка асослангандир. Агар, вақт мезони ҳозирги замон фанларида сайёраларни ўз ўқи атрофидан ёки бошқа саёралар атрофидан орбиталари бўйича айланиб чиқишидан олиган экан, бу хулоса Навоийнинг вақт мезони бўйича қарашига айнан мос бўлиб, бу давр, даврон истилоҳида ўз аксини тошган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
2. <https://ru.citaty.net/avtory/platon/tsitaty-o-vremeni/>
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/ontologiya-vremeni-u-aristotelya>
4. Время в античной и средневековой философии.
5. http://www.chronos.msu.ru/old/TERMS/gaydenko_vremya.htm
6. Декретное время. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
7. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 7 т. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. - Тошкент: "Фан", 1991. – Б. 392.
8. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 4т. Хазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб. - Тошкент: "Фан", 1989. – Б. 8.
9. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 2 т. Наводир ун-ниҳоя. - Тошкент: "Фан", 1987. –
10. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Маҳбуб ул-қулуб. - Тошкент: "Фан", 1998. –Б. 302.
11. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Муншаот. - Тошкент: "Фан", 1998. – Б. 182.
12. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик, 1 жилд. - Тошкент, "Фан" 1983. – Б. 36-37.
13. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик, 2 жилд. – Тошкент: "Фан", 1983. – Б. 615.

ТАСАВВУФИЙ МЕРОС ВА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Бухоро давлат университети Ислом тарихи ва
Манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудири Ф.Ф.д., доцент
Намозов Бобир Баҳриевич

Аннотация: Мақолада нақшбандия таълимотининг назарийётчи олимларидан бири Хожа Муҳаммад Порсонинг инсон фалсафаси таҳлил этилган. Унинг янги гоялар билан бойитилганлиги, инсоннинг оламдаги ўрни ва масъулиятига доир фикрлари кенг ёритилган. Муаллиф томонидан араб ва форс тилидаги қўлёзма манбалардан таржималар ва иқтибослар келтирилган.

Калит сўзлар: уруж (такомиллашув), модда, руҳ, латиф (майин), бод (ҳаво), дил(юрак, қалб), судманд (фойдали), моҳият (асос)

СУФИЙСКОЕ НАСЛЕДИЕ И ФИЛОСОФИЯ ЧЕЛОВЕКА

Бухарский государственный университет
Доцент, Намозов Бобир Бахриевич

Резюме: В данной статье проанализирована философия человека теоретика учения нақшбандия Ходжи Муҳаммада Порсо. Также подробно рассмотрены его обогащение новыми



идеями, приведены его взгляды относительно роли и ответственности человека. Автор приводит переводы и цитаты из источников на арабском и персидском.

Ключевые слова: урудж(совершенствование), материя, душа, тонкий, воздух, сердце, прибыльный, сущность

SUFI HERITAGE AND HUMAN PHILOSOPHY

Bukhara State University

Associate Professor, Namozov Bobir Bakhrievich

Summary: *In this article the human philosophy of the theoretician of naqshbandia schooling Khoja Mukhammad Porso is scrutinized. His ideas on its enrichment with the new ideas, the role and responsibility of human in the universe are widely illuminated. The translations and citations from the sources in Arabic and Persian are given by the author.*

Key words: *uruj (perfection), substance, soul, gentle (soft), air(space), heart, useful, essence.*

Тасаввуфий мерос ўзига хос қадрият сифатида инсон тараққиёти ва унинг маънавий-руҳий камолоти учун муҳим аҳамият касб этади. Тасаввуф намояндalари инсоннинг асл моҳиятини билиш, унинг олам ва одам муносабатлари тизимидаги ўрнини аниқлаш, яратувчи ва инсон ўртасидаги боғлиқликларнинг сир-асрорларини очишга интилиб келганлар. Инсоннинг икки олам саодатига эришиш ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқариш йўлида уларга раҳнамолик қилганлар. Шундай улўф тасаввуф намояндalаридан бири Муҳаммад Порсонинг одам ва олам ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Унинг инсон муаммосига қаратилган фикр ва қарашлари ўзининг “Рисолаи қудсия” (“Қудсий рисола”), “Таҳқиқот” (“Изланишлар”), “Фаслул-хитоб” (“Қатъий қарор”), “Рисолаи кашфия” (“Кашф ҳақида рисола”), асарларида ўз ифодасини топган.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” [1.398], (“Қатъий қарор”) асарининг “Инсонинг вужудга келиши, ҳатти-ҳаракати ва аҳволи”, “Инсон бир дарахтки, Аллоҳ уни бир эркак раҳбардан яратганлиги ҳақида”, “Одам авлодининг лойи ернинг барча жойларидан олинганлиги ҳақида”, “Руҳнинг баданга тааллуқи ишқнинг тааллуқи кабидир”, деган бобларида инсон муаммосига оид фикр ва қарашларини баён этган.

Муҳаммад Порсо қарашларига кўра, ҳар бир нарса кўзланган мақсад билан яратилган. Лойдан яратилган хушбичим, инсон мартабасига етган одам ҳам аниқ кўзланган мақсад билан яратилган. Аллоҳ тупроқдан келиб чиққан бу одамга бевосита (фаришталар воситалигисиз) руҳ ато этган ва уни барча ҳақиқатларнинг (жомеаси) мажмуи қилиб белгиланган. Унинг аслий унсурига (руҳ) жисмий жасадий одам суратини кийдириб, ҳазрати улўхият (илоҳийлик кўзгуси) ойинаси қилган. Аслида бу суратдан мурод ерда ўз халифасини яратиш эди. Қуръоннинг “Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: “Мен ер юзида халифа қилмоқчиман” [2.33], “Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим” [2.33], деган мазмундаги оятлари асосида Муҳаммад Порсо инсоннинг азиз ва мукаррамлигини, бутун борлиқ ҳамма нарса Аллоҳнинг ижоди бўлиб, барчасини инсон учун яратганини ва уларни унга буйсундириб қўйганлигини Қуръон маърифатини англаган ҳолда баён этган.

Муҳаммад Порсо инсоннинг яралиши хусусида шундай ёзади: “Аллоҳ одамни ернинг барча томонларидан олинган бир сиқим тупроқдан яратди. Шунинг учун одам авлоди ернинг турига ўхшаб, дунёга келди. Баъзиси қизил, оқ, қора танли ва уларнинг орасидаги ранглардан иборат. Шунингдек, юмшоқ, қаттиқ, пок, нопок ва яхшилари бор. Покиза тупроқ одамлар мулойим кароматли, улўф хислатли бўлиб, улар орасида ҳур ва эркин мукаррам кимсалар бўлади”[3.471]. Профессор Г.Н. Наврўзова “Етти Пир камолот даражаси асослари” номли



мақоласида [4.168], Нобель мукофоти соҳиби физик, химик ва файласуф олим Вилгельм Оствальднинг фикрига таяниб, бутун оламдаги ҳар бир нарсанинг ўзиг хос қуввати борлигини ва бу қувват ҳар бир жисм таркибига ўзига хос хусусият билан таъсир қилади. Оствальднинг қарашига ҳақиқат бор. Чунки, ҳар бир манзил маконнинг тупроғи, суви, ҳавоси таъсирида ҳосил бўлган борлиқнинг кўриниши ўзига хосдир, деб таъкидлайди. Демак, инсон табиати унинг борлигида кечадиган ўзгаришлар, намоён бўладиган хислатлар, фазилатлар у яшайдиган маконнинг хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Муҳаммад Порсонинг юқорида келтирилган, одамнинг яралиши ҳақидаги қарашлари Абу Райҳон Берунийнинг “Одамлар тузилишининг ранг, сурат, табиатан ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалиги учун эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан бу иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган” [5.17], деган фикрларига ҳамроҳандир.

Тасаввуф алломалари инсонларни типларга ажратганлар, уларнинг табиатини ўрганиш, тарбиялаш, муносабатларга киришишда ҳам ушбу асослардан келиб чиқишга ҳаракат қилганлар. Фаридуддин Ағтор “Тазкират ул -авлиё” китобида Абу Бакр Варроқ Термизийнинг инсон тарбиясида лозим бўладиган муомала ҳақидаги фикрлари маъзида ҳам шу маъно ифодаланган: «Одамзоднинг асли-зуваласи сувдан ва тупроқдандир. Бир кишининг табиатида сув унсури ғолиброқ бўлади. Уни латифлик ва риёзат билан тарбия қилмоқ керак. Агар унга дағаллик билан муомала қилинса, у ўзгаради, айнийди, сўнг мақсадга етиб бўлмайди. Бошқа бир кишининг табиатида эса, тупроқ унсури ғолиброқ бўлади, уни оёқ билан тепкилаб, унга қаттиқлик билан муомала қилмоқ лозим, токи, у бир нарсага ярасин” [6.118].

Демак, инсоннинг феъл-атвори ва маънавияти, сурати ва сийрати бевосита табиий муҳит билан ўзаро алоқада экан. Зеро, айнан шу табиий муҳит, географик шароит халқлар, миллатлар шаклланишининг муҳим асоси бўла олади. Тасаввуфнинг тарбия услубида нафақат ибодатлар узлуксиз риёзатлар, балки табиат ва инсон алоқадорлиги масалалари ҳам эътибор марказида туради. Шу билан бирга инсон борлигидаги тупроқ, сув, олов, ҳаво каби унсурлари билан табиатга руҳи билан Ҳаққа яқинлиги уқтирилади.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида ёзади: “Комил инсонлардан бўлган анбиёлар ва расуллар, улуғ авлиёлар, уларнинг баъзилари сабаблар ва баъзилари шартлар эдилар. Ҳар бир комил инсоннинг сурати ва миқозини белгилашда, комиллика етказиш шартларида ота-оналари кабидирлар. Баъзилари асбоблар, ёрдамчилар бўлиб, мўминлар ва авлиёларнинг сифатлари ва мақом мартабаларини созловчиларидирлар. Баъзилари бу оламни таъмир ва тартиби учун бўйсундирилганки, то инсоннинг илоҳий ҳикмат жиҳатидан комиллика етказишга масъулдирлар. Илоҳий ҳикмат жиҳатидан умум инсонлардаги бўлиниш ва тафовут аслида фаръий (яъни ундан чиққан) олам ва ундаги нарсаларга муҳаббатнинг фарқлилигидадир. Исmlар ва ҳақиқатлар мояси тааййунот (борлиқ) хаамири оламлар ва халойиқнинг пайдо бўлишига тааллуқлидир. Худо нарсаларни аввало маъно оламида зоҳир этиб, сўнг сурат оламида унинг суратини яратди. Барча оламлар суратининг унсури ҳақиқати Муҳаммадийдир ва Аллоҳ нурининг партавидир. Пайғамбарларнинг юборилишидан мақсад кўнгил заманига тавҳид уруғини экишдир” [7.398].

Муҳаммад Порсонинг мазкур фикрига кўра, оламлардаги барча нарсалар жумладан, инсон ҳам илоҳий ҳикмат ҳосиласидир. Инсоннинг комиллика эришуви комил инсонлардан бўлган набийлар, расуллар, авлиёларнинг тугган йўллари, мақомлари ва ахлоқ одоблари, тарбия услубларига эргашишларига ҳам боғлиқдир. Улар Аллоҳ томонидан айнан шу мақсадларда хосланганлар, ҳар бир инсоннинг сурати ва сийратини тарбиялашда, мўминлар ва авлиёларнинг сифати, мақом ва даражаларини белгилашда, уларнинг руҳий-маънавий юксалишларини



қувватлашда мураббийдирлар. Умум инсонлар орасидаги фарқ ва тафовут аслида фаръий (ундан чиққан) бўлиб, олам ва ундаги нарсаларга бўлган муҳаббатнинг фарқлиги биландир. Муҳаммад Порсонинг таъкидлашча, комилликда Муҳаммад пайғамбар ҳақиқати кул (жомеа) ва аслдир. Бошқа ҳар қандай комиллик жуз (бўлак) фаръий яъни, ундан келиб чиқади.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида “одамлар ҳар хил мартабададирлар. Зиёдаликлари шу мартабаларига боғлиқдир. Кимки, аҳли маъонийлардан бўлса, унинг зиёдалиги маънода бўлади. Кимки, аҳли ҳис бўлса унинг зиёдалиги ҳисда бўлади”[7.732].

Муҳаммад Порсо ўзининг “Таҳқиқот” (“Изланишлар”) асарида инсон борлиги хусусидаги қарашлари ўз ифодасини топган. Олимнинг фикрича, инсон қолипи (танаси) уловдир. У бир-бирига зид бўлган тупроқ, сув, бод (ҳаво) оташ (олов) каби унсурлардан таркиб топган. Уларнинг ҳар бирининг ўз макони бор. Унингча, тупроқнинг макони инсон қолипида зоҳир ва аёндыр. Тупроқда сувнинг макони бошқа бўлиб, латиф (майин) дир, бу латифлик сувнинг латофатига лойиқдыр. Сувда эса, бод (ҳаво) нинг макони ўзига хос бўлиб, сувнинг маконидан ҳам латифроқдыр. Ҳавода эса оловнинг макони бўлиб, у сувнинг маконидан ҳам латифроқдыр. Руҳ эса, ушбу барча зарларнинг ҳақиқатидир ва мавжуддыр. Ҳамма зарралар билан биргадир. Улар бир-бирига кўчиб ўтмайди. Ҳулул (сингиш, қуйилиш) иттисол (бирлашиш, боғланиш) жоиз эмас.

Муҳаммад Порсо таъкидлашча, тупроқ, сув, ҳаво ва олов моддадир. Уларнинг ҳар бири сурат, шакл ва маънога эга. Тупроқнинг сурати унсур, маъноси (моҳияти) табиатдыр. Сув ва олов ҳам шундай маънога эга. Бундан маълум бўладики, тўртта табиат ва тўртта унсур мавжуд. Уларнинг аралашувидан “табъ” (“мизож”) келиб чиқади. Унсурлар жисмни ташкил этса, унинг моҳиятини руҳ ташкил этади. Уни “вужуд” ва “руҳ” дейиш мумкин. Унсур жисмнинг маъно-моҳияти, жисм содда тузилишга эга бўлиб, уруж “такомиллашув” ва “нузул” “тушиш” хоссасига эга эмас. Руҳ билан жисм биргаликда даражалар бўйича тараққий этиши мумкин бўлган вужудни ташкил этади.

Азизиддин Насафий “Зубдатул-ҳақойиқ” асарида ҳам юқорида таъкидлаган фикрларимизга яқин қарашларни ўқиш мумкин. Азизиддин Насафий фикрига кўра, руҳ битта жисм ҳам биттадир. Бироқ жисмнинг ҳам руҳнинг ҳам маълум даражалари бор. Жисм руҳга мувофиқ ва руҳ жисмга мувофиқдыр. Уларнинг ҳар иккаласи биргаликда ривожланади ва комилликка эришгунга қадар юксалиб боради. Руҳ табиатига кўра ўсимлик даражасида, ҳаракатга кўра ҳайвон даражасида, ақлга мувофиқ эса инсон даражасида намоён бўлади. Шунингдек, Азизиддин Насафий инсон ақлини унинг руҳи билан тенглаштиради. Инсон руҳи ҳақидаги қарашлар жуда қадим замонлардан бери баҳс-мунозараларнинг марказида бўлиб келган. Руҳнинг мабдаи (чиқиш жойи), маоди (қайтиш жойи), руҳ манзиллари даражалари тўғрисидаги хилма-хил қарашлар бўлган. Азизиддин Насафий шарият тариқат, ва ҳикмат аҳлининг уруж, нузул, руҳ ва жисм ҳақидаги фикрларини қиёсий таҳлил этиб, уларнинг руҳ ва руҳларнинг даражалари ҳақидаги фикрларида яқдил эканликларини баён қилган.

Муҳаммад Порсо фикрича, инсон тириклигининг сабаби руҳдыр. У шундай ёзади: “моҳияти руҳ мисоли бо жасад моҳияти Ҳақаст”[8.81] Яъни, (“руҳнинг моҳияти, мисоли жасаднинг моҳияти Ҳақ билан” деганидек). Уни ҳулудга ҳам иттиҳодга ҳам алоқаси йўқ. Мутасаввиф бу масалани “Бикулли коинот ман арафа нафсаҳу ва қад арафа раббаҳу” [8.81], “Бутун коинот учун кимки нафсини таниса, Роббийсини танийди”, ҳадисига мувофиқ ҳолда тушуниши лозимлигини уқтиради.

Руҳ тўғрисидаги қарашлар турли тумандир. Улар орасида Хужвирий қарашлари ҳам ўзига хос даражада ўзидан кейинги мутасаввифлар асарларига таъсир кўрсатган. Хужвирий “Кашфул-маҳжуб” (“Пардаланган сирнинг очилиши”) асарида инсон ва руҳ ҳақида шундай ёзади: айтадилар: “Инсон бу руҳ эмас. Инсоннинг жасади-унинг жавшани



ва ҳайкалидир. Унинг маъвоғоҳидир. Унинг биносига инсон табиати халал беролмас, ҳис ва ақл унинг сифатидир” [9.369].

Хужвирий бу фикрни хато, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, руҳ-бу жондир. Жоннинг инсон жасадида бўлиши ёки бўлмаслиги, инсон деган тушунчага боғлиқ эмас. Чунки, жон тарк этгани билан ўша шахсдан инсон деган ном кетмайди. У шахсни биз тирик инсон ёки ўлик инсон деймиз. Чунончи, жон ҳайвонларда ҳам мавжуд. Агар инсоннинг сабаби жон билан бўлса, барча жонли нарсаларни инсон дейиш, керак бўларди.

Хужвирий яна ёзади: Баъзилар айтади: “Инсон бўлинмас, яхлитдир. Унинг барча сифатларини бошқарувчи жой-бу дилдир” [9.369]. Бу ҳам (маҳол) мумкин эмас. Негаки, уни ўлдириб, дилини суғуриб олган пайтда ҳам у барибир инсон бўлиб қолади. Бошқа бир сўфийликни даъво қилувчилардан бир гуруҳи бу маънода хатога йўл қўйиб, шундай дейишган: “Инсон егувчи, ичувчи ва ўзгарувчи эмасдир. У Илоҳнинг сирридир. Бу жасад эса унга кийдирилган кийимдир. У таъбининг ўзгаришида ҳамда жасад ва руҳнинг бирлигида намоён бўлади” [9.369].

Хужвирий қуйидаги хулосага келади: “Барча оқил кишиларнинг игтифоқига кўра уятсизларда, фосиқларда, жоҳиллару кофирларда инсонликнинг фақат номигина бордир. Уларда бу сирлардан бирон маъно йўқдир. Уларнинг барчалари егувчи, ичувчи ва ўзгарувчидирлар. Маъноси бўлмаган қолибга, вужудга ва шахсга ҳам инсон дейилаверади. У йўқ бўлганидан кейин ҳам айтилаверади. Худо бизларни турфа моялардан (уруғ) таркиб топгирдики, уларда ўша айримларда бўлмаган маънолар йўқ эди. Аллоҳ айтади: «Қасамки, батаҳқиқ, инсонни лой сулоласидан яратдик. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўштдан суяк яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик” [10.342].

Инсон хусусидаги фикрларни ўрта аср мусулмон файласуфлари ва тасаввуф вакиллари қарашларида ҳам кўриш мумкин. Форобий фикрига кўра, инсон ўз табиатига кўра ҳаётини тартибга келтириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун бошқа инсонларга муҳтож бўлади. Якка ҳолда ҳеч ким бунинг уддасидан чиқа олмайди. “Инсон шундай махлуқотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин” [11.69].

Хожа Аҳрор Валийнинг таърифига кўра, инсон “одами нусхаи жомияга турур, ондоғким, малакий сифатлари бор турур ва сабий ва баҳимий сифатлардан ҳам холий эрмастур” [12.344]. Яъни, инсон ҳам малакий, фаришталарга хос сифатларга, шу билан бирга йиртқич ва бошқа тўрт оёқли ҳайвонлар каби нафс иллатларига ҳам эга бўлган, “нусхаи жомеъ” дир.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида Имом ар-Розийнинг “Зодул маъод” (“Охират озиғи”) китобидан башарий руҳлар ва уларнинг қисмлари ҳақидаги қуйидаги иқтибосни келтиради: Имом ар-Розий фикрига кўра, башарий руҳга эга кишилар уч тоифада фарқланади: Асҳоби саодат, асҳоби саломат, асҳоби шақоват. Яъни, бахтли кишилар, соғлом кишилар, бахтсиз кишилар.

Муҳаммад Порсо асарларида инсон “Олами асғар”, “Кичик олам”, ва дунё “Олами акбар” “Катта олам” сифатида тавсифланади. Кичик олам сифатида инсон барча оламлар: моддий олам, ўсимликлар олами, ҳайвонот олами одамнинг кичик тарздаги мужассамидир. Чунки, қуйи оламларнинг барчасида жисмоний, маънавий хусусият ва сифатлари инсонда кузатилади.

Моддий оламдаги барча унсурлар инсоннинг жисмида мавжуд, тирик ўсимликларга тааллуқли бўлган барча хусусиятлар: модда алмашинуви, ўсиш, ўзгариш, кўпайиш инсонда



мавжуд. Шу жиҳатдан инсон ўзидан олдин бўлган оламлар тараққиёти ривожланишининг яқунидир.

Бундан ташқари, инсон ақл заковат, кучли ирода, ҳиссиёт, сезгилар, нутққа эгадир. Руҳий, маънавий жиҳатдан инсон ниҳоясиздир. Чегарасиз инсон руҳияти моддий оламда кузатиладиган фазо, макон ва вақтга боғлиқ эмас. Инсон жисмидаги ҳиссий қувватлар: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъмини ҳис этиш, шахватий ҳислар ташқи олам билан боғланиб, жисмоний ҳаётнинг эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳаммад Порсо фикрларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳиссиёт қувватлари инсоннинг тубан қуйи томони, моддийлик томони ўсимликлар, ҳайвонот олами томон тортади, ўша томонга майл туғдиради. Лекин, руҳияти юқори юксакликка томон ундайди. Инсоннинг жисмонийлик томони барча жисмоний моддий мавжудотлар сингари муваққатлик хусусиятига эга бўлиб, ўткинчи, тасаввуфий ибора билан айтганда фонийлик, ўзлигини йўқотувчи, яъни муайян вақтга белгиланган ҳаёт муҳлати, умрга боғлиқ.

Бундан ташқари инсон руҳи, жони абадий мангуликка даҳлдор бўлиб, вақт, фазо, маконга боғлиқ эмас. Шу жиҳати билан инсон бениҳоя, чегарасиз руҳий оламга тегишлидир. Яъни “Олами акбар” “Катта олам” –бу руҳоният олами унинг ниҳояси йўқ, ўлчови тамомила бошқача бўлиб, моддий оламдагидек муқаррар вақт, фазо ва маконга боғлиқ эмас.

Бу ҳолат турли хилда амалга ошиши мумкин. Инсон “Олами асгар” дан “Олами акбар” га ўтади. Биринчи ҳолатда одам биринчи даражали ҳолатдан иккинчи даражали ҳолатга онгсиз равишда ўтади. Улар учун онгнинг биринчи даражадаги ҳолати иккинчи даражали ҳолатига ўтиши бедор уйқуга ўхшайди, барқарорлик мавжуд бўлмайди. Бу у ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб, ҳар икки олам каби кузатилади. Бу “Олами акбар” га хос эмас, чунки у абадий ва узлуксиз боқий оламдир. Одам ички соф борлигини англай олса, яъни “Олами асгар”, “Олами акбар”ни англай олса, боқий руҳ юксак даражага кўтарилиб, уни тасарруф қилади. Албатта бу биз тадқиқотимизда айтиб ўтган ҳулул, иттиҳод, иттиҳол билан боғлиқ эмас. Уйқу, туш, руҳий мастлик (сукр) ҳолати жунун ҳолатидаги ўтиш барқарор эмас. Шунинг учун “сахв” (уйғоқлик) ҳолати нақшбандийликда муҳимдир. Бу юқорида айтилган биринчи ҳолатга ўхшайди. Инсон ҳақиқий маънода бир замонда бу ерда ҳам бошқа ерда ҳам уйғоқ (сахв) ҳолатда бўлиши лозим. Агар шундай ўтиш мазкур ҳаёт даврида вужудга келмаса, “Олами асгар” “Олами акбар” га қуйилса (яъни бу фанога эришса) ўшанда бундай одам шу дунёда бўла туриб, бу дунё кишисига ўхшамай қолади. Тасаввуф алломалари тили билан айтганда унинг шахсий мени маҳв этилган, ёки йўқолган ҳолатдир.

Яъни, руҳи жисмидан ғолиб келган бўлади (ғалобот). Тасаввуф аҳллари фикрича, туш кўриш ҳам икки ҳолатнинг бирикишидир, бироқ, хосланган одамлар хусусияти руҳий кўз билан кузатиш, кўриши фароғат ҳолатидир. Муҳаммад Порсонинг Муҳаммад пайғамбар “меърож” и ва инсоннинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши билан боғлиқ руҳоният замонига тааллуқли қарашлари шу тушунчалар билан боғлиқдир.

Муҳаммад Порсо инсонга оламда яратилган мураккаб мавжудлик сифатида қараб, оламнинг яратилишидан мақсад худони таниш, билишдир. Аллоҳни эса, фақат ақлли мавжудот билиши мумкин. Бу инсондир. У бошқа тасаввуф алломалари сингари қуйидаги қудсий ҳадисни келтиради: “Мен яширин хазина эдим, ўзимни ошкор қилишни хоҳладим ва Мени билишлари учун оламни яратдим” [13.46].

Муҳаммад Порсо ғоялари бўйича инсоннинг руҳий қувватини юксалтириш мумкин. Унинг руҳи қувватлантирилса, замон чегараларини кесиб ўтишга қодир бўлади. Инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти жуда қисқа лекин унинг орзу-умидлари чексиз. Албатта, у буларнинг барига ҳаёти давомида эриша олмайди. Аллома, ўз қарашлари билан инсоннинг қисқа умрига олам-олам мазмун, орзу-умидларига қаног бағишлайди. Инсонларни покликка, олийжанобликка, сахийликка, қалбий ва қолибий тасфияга даъват этади.



Муҳаммад Порсо фикрига кўра, бутун инсониятнинг олий даражасида пайғамбарлар ва авлиёлар туради. Пайғамбарларга кашф (сирларнинг очилиши) ва мўъжизалар берилган. Авлиёлар кароматлар билан мукофотланган. Мотуридийлар мактаби вакиллари: “Пайғамбарларга (кашф) очилиш худо томонидан ато қилинган, мўъжизалар эса ҳақиқатнинг муқаддаслиги сифатидан ошқор бўлади” [14.68], деб таъкидлайди.

Муҳаммад Порсо таълимотида комил инсон пайғамбарлардан кейинги асосий ўринда туради. У пайғамбарнинг йўлини давом эттирувчи ва қўллаб-қувватловчидир. Бунинг учун нафсини, қалбини поклаши, ёмон сифатлардан воз кечиб, яхши сифатларга эга бўлиши лозим. Энг муҳими у шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат босқичларини босиб ўтиши, тариқат мақомларининг олий босқичларига эришиши, Аллоҳни таниши лозим. Уларнинг камолоти кўп жиҳатдан уларнинг табиячиси бўлган улуғ шайхларга боғлиқ эканлигини уқтиради.

Муҳаммад Порсо шундай ёзади: “Билгинки, Аллоҳ сени ва бизни сўзимизнинг тўғрилигини, феълимиз ва ишончимизнинг собитлигини бардавом этсинки, йўли динда улуғ ҳисобланган, тўғри йўлга бошловчи, ишончли билимларга эга ва мустаҳкам эътиқодли, аниқ ва яширин илмларни билувчи, ҳолларни (сўфийларни) тарбияловчи ва комилликка юксалтирувчи шайхлар йўли ҳақиқат йўлидир” [15.2].

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарининг “Инсон шундай бир дарахтки, Аллоҳ уни ёғоч бўлмаган танадан яратганлиги” ҳақидаги фаслида шундай ёзади: “Билгинки, инсон шундай бир дарахтки, Худо уни ёғоч бўлмаган танадан ўстирди ва дарахт томирларида турганидек, инсонни оёғига қоим этди. “Шажаратун” арабча “ташожур” “низо, қарама-қаршилиқ” маъносини беради. Шу жиҳатдан унда бир-бирига зид махлуқлар борки, улар хусуматлар, зиддиятлар, низоларни талаб қилади. Шунингдек, бу баҳс, хусумат малоикалар оламида ҳам бор эди. Оламдаги хусуматларнинг (баҳслар) вужуди аслида илоҳий исмлар ҳикматидадир. Муҳаммад Пайғамбарга Худо малоикалар оламидаги хусумат (баҳс) ҳақида Худо менга илм бермагунча, менда илм йўқ деб айт деган. Улар табиатга, туғиладиган жисмларга таъсир этадилар, доялик қиладилар. Ҳақиқатда одамлар дарахтлар кабидирлар. Худо улар орасидаги ўша низо ва хусуматларни бартараф этишучун (Имом, Пир, устоз) раҳбарлар қўйди” [15.258].

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитобда” шундай ёзади: “Албатта мана бу улар учун қилган тадбири ва улар ҳақидаги хоҳиши, уларга нима ирода, қилинаётганини яхши билади. Чунки У уларни ер юзидан ҳар хил тупроқлардан яратган. Енгил бўлсин, оғир бўлсин, пок ёки ифлос, албатта қалблар унинг ердаги идишидир. Унга ўзи яхши кўрган нарчасини қуяди ва яхши кўрганини ундан кўтаради. Ақллар бандалар ўртасида бўлингандир. Ахлоқлар уларга хазиналардан берилган ва нурлар раҳмати билан хослаган кишиларига тарқатилгандир. Унинг халқи ичида ўзи учун софлари бор. Қалблар унинг қудрат қўлидадир, уларни хоҳлаганича айлантиради. Ҳидоят ўзидандир. Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган кишини ҳидоятга бошлайди”²⁴. Муҳаммад Порсонинг мазкур фикрлари ҳозирги даврда турли оқим ва гуруҳларнинг динга қуруқ ва асоссиз даъватларига, террористик, экстремистик усулларига қарши маърифий курашчанликни ошириш, динда мажбурлаш ҳеч бир замонда оқланмаганлигини уқтиришда илмий-маърифий асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хожа Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Таржима Н.Б. –Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. - Б.398.
2. Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Тафсири ҳилол. Биринчи жуз. Бақар сураси 30- оят.- Тошкент, Шарқ, 2008. -Б. 33.



3. Хожа Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Таржима Н.Б. –Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42.-Б.471.
4. Наврўзова Г.Н. Етти Пир камолот даражаси асослари. Фалсафа ва тасаввуф: маърифий дунёқарашини шаклантириш муаммолари ва ечимлари мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари тўплами // Бухоро, 2019.-Б.168.
5. Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: Фан, 1968.-Б.16-17.
6. Фаридуддин Агтор. Тазкиратул-авлиё. Тошкент: ЎМЭ, 2001.-Б.116-118.
7. Хожа Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Таржима Н.Б. –Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42.-Б.398.
8. Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма. (Намозов Б.Б. таржимаси)- –Б.81.
9. Али Ибн Усман аль-Ҳуждвирӣ. “Раскрытие скрытого за завесы”. Старейший трактат по суфизму. Перевод с английского А. Орлова.-М.: “Единство”, 2004. С-369.
10. Қуръони Карим. Мўъминун сураси: 12, 13, 14, оятлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Маънолар таржимаси. 7-жуз. Шарқ нашриёти. Тошкент, 2009.-Б.342.
11. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.69
12. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари). – Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.Б. 344.
13. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. М.: “Наука” , 1987. - С. 46.
14. Абуханифа Н. Фикхи акбар. Египет, 2008. - С. 68.
15. Хожа Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Таржима Н.Б. –Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42.-Б.2.

ИСЛОМ ДИНИ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ

Хуршид Улмасжонович САМАТОВ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доцент, фалсафа доктори (PhD)

E-mail: samatov_1084@mail.ru

+998915273808

Аннотация: Мақолада халқ билан мулоқот қилишнинг тасаввуфий-фалсафий асосларидан бири сифатида, ислом дини манбалари ва мутасаввифларнинг диний-тасаввуфий қарашлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: дин, тасаввуф, ҳадис, ахлоқ, қалб, адолат, халқ, мулоқот, тамоийл.

ИСЛАМ - ДУХОВНАЯ ОСНОВА ОБЩЕНИЯ С ЛЮДЬМИ

Хуршид Улмасжонович САМАТОВ

доктор философии (PhD), доцент.

Самарқандского института экономики и сервиса

E-mail: samatov_1084@mail.ru+998915273808

Аннотация: В статье исследуются истоки ислама и религиозно-мистические воззрения суфиев как одна из мистико-философских основ общения с людьми.

Ключевые слова: религия, суфизм, хадис, мораль, сердце, справедливость, народ, диалог, принцип.



41	Аҳмад Донишнинг давлатчилик ва ташқи сиёсатга оид қарашлари Хусниддин Ч.Р.	188
42	Пискент шаҳридаги Хазрати Бузрук меъморий иншооти ҳақида Кубаев С.	194

09.00.00

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

43	Ахборот маданияти глобаллашувида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари Кодиров Н.М.	201
44	Концептуальный анализ подхода к музыке в исламе Исакова З.Р.	205
45	Конституция– халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси. Рустамова. Г.	212
46	Тарбияга ижтимоий ёндошув Мирзахмедов А.М., Элмиров К.О.	216
47	Навоий онтологик фалсафасида замон категорияси талқини Норов Т.О.	221
48	Тасаввуфий мерос ва инсон фалсафаси Намозов Б.Б.	228
49	Ислом дини – халқ билан мулоқотнинг маънавий асоси Хуршид У.С.	235

10.00.00

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

50	Эркин Воҳидов ва адабий алоқалар Сулаймонов. М., Роҳаталиев А.	242
51	Основное различие в подходах двух школ в нейролингвистики Мухайё М.Д.	245
52	Madaniy nutqdagi lisoniy biklarda shakl va mazmun o'rtasidagi munosabat Babaxanova D.A.	252
53	Sharlotte Brontening "Jeyn Eyр" asarida obrazlilik masalasi Abdullayeva N.	256
54	Jozef Archibal Kronin asarlarida avtobiografik elementlarning ko'plab qo'llanishi Mirsadullayev M.M.	259
55	"Шоҳнома" асарининг илк инглиз тадқиқотчилари Ҳақима Т.У.	265
56	Navoiyning ilmiy va nasriy-badiiy asarlarida Husayniy siymosi G'oyibboyeva R., Sanobar A.	270